Жалолова Мўстаба — Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги иқтисодий болалар лицей-интернатининг она тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Жуманов Шухрат — Хоразм вилояти Янгиарик туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори.
Жўраев Усмон Нормуродович — Бухоро вилояти Шифоркин туманидаги 6-лицейнинг математика ўқитувчиси.

Зайнадинов Шарафиддин — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 100-мактаб директори.
Зайнуллоева Лола Ибрагимовна — Навоий давлат Педагогика институти қошидаги академик лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари.

Зиямухамедов Ташпулат Буриеваевич — Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бочғармасининг умумий ўрта таълим бўлими бошлиғи.
Ибрагимов Нажиiddин Гуломович — Андижон шаҳридаги 45-мактаб директори.

Ибрагимов Рўстамжон — Наманган вилояти Уйчи туманидаги 31-мактабнинг чақириқча ёшлар тайёрлаш фани ўқитувчиси.
Ибрагимов Мухаббат Акбаровна — Андижон вилояти Жалолқўдўқ туманидаги 19-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси.

Имомова Халима — Қашқадарё вилояти Қасби туманидаги 43-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.
Имомова Халима Норбаевна — Жиззах вилояти Янгийўл туманидаги 4-мактабнинг математика ўқитувчиси.

Исмайлова Гулистан — Қорақалғонiston Республикаси Қонлиққўдўқ туманидаги 2-болалар бочғаси мураббийси.
Исмоилов Юсубжон Абдухалилович — Андижон шаҳар 3-болалар музыка мактаби директори.

Исмоилова Буврахима — Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги "Калдирғон" болалар бочғаси мураббийси.
Исроиллов Усубжон Солиевич — Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги касб-хўнара лицейи ўқитувчиси.

Йўлдошева Дилбархон Сайдахмедовна — Тошкент давлат Иқтисодий университети қошидаги академик-лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси.
Қамолов Жамол — Қашқадарё вилояти Ғўзор туманидаги 37-мактабнинг директори ўринбосари.

Қараматова Фотима Қулмуродовна — Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги 42-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.
Қаҳҳорова Гулнора Абдуқаттаровна — Наманган вилояти 9-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Қаюмов Жалолiddин Камолiddинович — Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 16-мактабнинг физика ўқитувчиси.
Қенжаева Раъно — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 27-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси.

Қидрибова Алия Худойбергеновна — Қорақалғонiston Республикаси Хўжайли туманидаги 69-мактабнинг қозок тили ва адабиёти ўқитувчиси.
Қиссанов Хўсанжон Носирович — Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 1-мактабнинг чақириқча ёшлар тайёрлаш фани ўқитувчиси.

Қоҳнажизова Улдай — Қорақалғонiston Республикаси Мўйноқ туманидаги 10-мактабнинг математика ўқитувчиси.
Қосимов Виктор Степанович — Тошкент шаҳар Яқасарой туманидаги 89-мактабнинг кимё ўқитувчиси.

Қўйбағарова Фарида Абдурахмонова — Навоий вилояти Учқўдўқ шаҳридаги 1-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси.
Қўшаев Норқул — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 29-мактабнинг география ўқитувчиси.

Қурбанович Маткарим Матчонович — Қорақалғонiston Республикаси Тўртқўл туманидаги 9-мактабнинг математика ўқитувчиси.
Қўшаев Норқул — Самарқанд вилояти Челек туманидаги 20-мактабнинг кимё ўқитувчиси.

Қўшаев Норқул — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 29-мактабнинг география ўқитувчиси.
Қурбанович Маткарим Матчонович — Қорақалғонiston Республикаси Тўртқўл туманидаги 9-мактабнинг математика ўқитувчиси.

Қўшаев Норқул — Самарқанд вилояти Челек туманидаги 20-мактабнинг кимё ўқитувчиси.
Қўшаев Норқул — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 29-мактабнинг география ўқитувчиси.

Қурбанович Маткарим Матчонович — Қорақалғонiston Республикаси Тўртқўл туманидаги 9-мактабнинг математика ўқитувчиси.
Қўшаев Норқул — Самарқанд вилояти Челек туманидаги 20-мактабнинг кимё ўқитувчиси.

Қўшаев Норқул — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 29-мактабнинг география ўқитувчиси.
Қурбанович Маткарим Матчонович — Қорақалғонiston Республикаси Тўртқўл туманидаги 9-мактабнинг

КЎЗИМИЗ ҚАРОҒИ АСЛИ ЎЗИНГИЗ

Халқда «Устоз отангдай улуғ» деган нақл бор. Қаранг, аслида дунёда падардай мўътабар зот борми? Ягона устоз шоғирдига берган қалб кўри, меҳри, ўргатган биргина харфи билан ана шундай беназир мартабага лойиқ. Бироқ устозлар шоғирдларидан жиндек эътибор, камгина оқибат, игна учидан-да кичик меҳрдан бўлак ҳеч нарсга даъво қилмайдилар.

Икки томчи ёш

Турғунбой исмли дўстимиз билан қишлоққа яқинлашганимизда палтосининг ёқаларини кўтариб қаршимиздан келаётган кекса бир кишини кўриб қолдим. «Машинани тўхтат, ортга қайтамиз. Акрам ака Каримназаровни кўриб қолдим... Уйига олиб бориб кўямиз...» дедим дўстимга. Кўзнинг адоғию кишининг боши эди. Қор аралаш ёмғир ёғарди. Совуқ томчилор домланинг эгни-бошини шалаббо қилиб юборибди. Ортга қайтганимизни кўрган домла-миз аввал ҳайрон бўлди. Машинага ўтиргач, бизни таниб, юз-кўзларига табассум ёйилди. «Ие-ие, ўзимнинг ўғилларим-ку!». Айтдим-да, бундай кеч бўлганда нотаниш машина изига қайтмайди, деб...». Бизнинг қишлоқ билан домланинг қишлоғи оралиги нари борса, икки чақиримлик йўл. Йўл бўйи Акрам ака ишимизни, оиламизни, бола-чақамизни суриштирди. Ун дақиқага қолмай униқига етиб бордик. Ҳарчанд зўрламасин, уйига тушмадик. Шунда у киши дуога қўл очиб, анча вақт нималарнидир пичирлади. Шу пайт қорам-қарши томондан келаётган машина чироғида унинг юз-кўзлари янада яхшироқ кўринди. Бирдан бўзимни нимадир қисгандай бўлди. Домла дуо қилаётдилару кўзларидан ёш юмоларди...

Ҳайитлик

Дўқондан онамга ширинлик харид қилаётган эдим. Кимдир новотнинг нархини суриштирди. Қарасам, икки нафар кекса ўқитувчим экан. Ҳайит арасида эмасми, ҳаёлимга нимадир сова қилиш ўйи келди. Иккита елим халтада бир килограмдан новот

сотиб олдим-да, кўярда-қўймай иккаласининг қўлига тутқоздим. Улар аввал кўнишмади. Байрамни рўқач қилиб туриб олганимдан кейин, ноилоҳ совагани олишга мажбур бўлдилар. Автобекатда уларни узокдан яна кўриб қолдим. Улар уч-тўрт нафар кишига қўлларидан новотни кўрсатиб нимадир дея гап ўқтиришор, чехралоридан мамнунлиги шундайгина биллиниб турарди. Бу кекса устозларимнинг фарзандлари топормон-тутармон кишилар. Демокримонки, улар кимнингдир совғасига муҳтож эмаслар. Эҳтимол, шу сабабли дастлаб совгани рад этишгандир.

Акрам ака Каримназаровга қайтамиз. Нима у машина минмобими? Ахир, мана, эллик йилдирки икки қишлоқ орасида қатнаб адабиётдан дарс бероди. Ким билсин, биздан бошқа шоғирдлари, эҳтимол халқалаб-ойлаб домланинг хизматида бўлгандир. Бироқ, барибир, мен Акрам домланинг кўзларидан айланган ёшни, ширинлик сова олган устозларимнинг шодлигини яхши онглайман.

Бу инсонлар бир умр ниҳол ўтқазиб билан умргузаронлик қилиб келишди, меҳр-оқибатдан, одамийликдан сабоқ беришди. Гап кимнидир қайгадир элтиб қўйиш ёки арзимас сова билан кўнгили олиш устида бораётгани йўқ. Зеро, кўнгили учун ўлмоқ керак, деган гап ҳам бор. Гап шундаки, улар устоз эканликларидан, ўтқазган ниҳоллари вояга етганлигидан мамнун эдилар. Улар биздан, ўз ҳаётларидан, юракларидан уммон бўлиб, дарё бўлиб атрафга сочилган ва акс садо бераётган меҳр ёддуларидан бошлари осмонда эдилар.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

1 октябр —
Хитой Халқ
Республикаси
ташқил
топган кун



БЕШ ҚИТЪА

ДАРАКЛАРИ

ҚАДИМ ЮРТ БАЙРАМИ

Тарихдан маълумки, Хитой халқи узок йиллар ташқи босқинчиларга қарши мардонавор курашди. Кўп талафоту, қурбонлар шохиди бўлди. Ва, озодлик учун бўлган курашлар 1949 йилда ўз интихосини топди. Уша йилнинг 1 октябрида Пекиндаги машҳур Тяньаньмэн майдонида Хитой Халқ Республикаси ташқил топганлиги эълон қилинди. Хитойнинг бугунги эришган нўфузи ва ёруғ кўнлари айнаи уша йиллардан бошланганлиги ҳам рост гап. Шу кўнларда хитойликларнинг қувончлари еру қўкка сиймай 1 октябрни сабрсизлик билан кутаётганликларининг босиси ҳам ана шунда.

Биласизки, Хитой аҳоли сони жиҳатидан дунёда биринчи, худудининг катталиги бўйича эса

учинчи ўринда туради. Шу билан бирга, ушбу мамлакат БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзосидан бири ҳисобланади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, эркинликда ўтган ярим асрдан ортиқроқ даврнинг ҳар бир йили мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутди. Шу боис, Хитой 51 йил ичида катта ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Шу ўринда бир мисол: 2000 йилнинг олти ойи давомида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 475,5 миллиард (!) АҚШ долларига тенг бўлди. Яна бир ҳай-

ратомуз далили: шу йилнинг олти ойида мамлакат ташқи савдо айирбошлаш кўрсаткичи 215,7 миллиард долларни ташқил этди.

Хўш, қадимда «Буюк Ипак йўли» боғлаб турган Ўзбекистон ва Хитой алоқалари бугун қай даражада ривож топмоқда? Истиқболларичи? Биз ушбу саволлар билан ХХРнинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Ли Цзинсянга мувожаат этдик.

— Ўзбекистоннинг озодликка эришганлиги халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳи-

фалар очилишига сабаб бўлди, — дейди жаноб элчи. — Айниқса, Президент Ислам Каримовнинг ўтган йиллар давомида Хитойга сафарлари ва мамлакатимиз ҳукумати раҳбарларининг юртингизга қилган расмий ташрифлари Хитой дарвозаларининг кенг очилишига имкон яратди. Икки дўст мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари янги поғонага кўтарди. Ҳозирги кўн-гача мамлакатларимиз ўртасида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган 30 дан ортиқ би-

фалар очилишига сабаб бўлди, — дейди жаноб элчи. — Айниқса, Президент Ислам Каримовнинг ўтган йиллар давомида Хитойга сафарлари ва мамлакатимиз ҳукумати раҳбарларининг юртингизга қилган расмий ташрифлари Хитой дарвозаларининг кенг очилишига имкон яратди. Икки дўст мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари янги поғонага кўтарди. Ҳозирги кўн-гача мамлакатларимиз ўртасида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган 30 дан ортиқ би-

тимларга имзо чекилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми эса йилдан йилга ошиб бормоқда. Яқин йилларда ичида «Буюк Ипак йўли» бўйлаб ўтайдиган Тошкент — Андижон — Ўш — Ирқиштом — Қошғар автомобил йўлининг ишга туширилиши ҳамкорлик алоқаларимизни бундан-да юксалишида янги-янги имкониятлар яратиши шубҳасиздир.

Бундан ташқари, мамлакатимиз Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядросиз худудга айлантириш, терроризм, диний экстримизм ва миллий сепаратизмга қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракат ва ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Очиги, Ўзбекистон билан бундай узок муддатли ва ишончли ҳамкорлик ўрнатиш биз учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шу боис, Хитой томони мамлакатимиз билан ҳар қандай соҳада ҳамкорлик қилишга тайёр.

Дарҳақиқат, шундай. Бу каби дўстлик алоқалари нафақат Осиё қитъасида, балки бутун дунёда ялпи тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлида хизмат қилади.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Бугунги Берлин.

БУШНИНГ ОБРЎСИ БАЛАНД

АҚШ президентлигига номзод, республикачилар партияси вакили Жорж Бушнинг халқ ўртасидаги обрўси рақиб демократ Алберт Гордан юқори экан. Энг сўнги жамоатчилик сўрови натижалари шундан дарак бермоқда. Қузатувчиларнинг фикрича, агар президент сайлови айнаи кўнларда ўтказилса, Жорж Буш 47 фоиз, Альберт Гор эса 44 фоиз сайловчининг қўллаб-қувватлашига эришиши мумкин бўларди.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ СУДГА КЕЛМАДИ

Коррупцияда айбланаёт-

ган собиқ президент Суҳарто ўзининг иши кўрилатган судга келмагани сабабли Индонезия пойтахтида янги намоийшлар бошланди. Суҳарто тарафдорлари ва уларга қарши бўлганлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтапти. Полиция шаҳарнинг Суҳарто ва унинг қариндошлари яшайдиган мавзени ўраб олиб, намоийшчиларнинг

киришига йўл қўймапти.

ЖАЗОДАН ҚУТУЛИШИГА ХАЛИ ЭРТА

Буюк Британия ҳукумати Югославияга нисбатан қўлланлиб келаётган иқтисодий жазо чоралари бекор қилинишига қарши эканини маълум қилди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги расмий ва-

чилининг билдиришича, расмий Белградда ҳали жазони тўхтатиш учун етарли шароит юзага келгани йўқ. Яъни, Югославия демократик қурилиш йўлини танлаганини аниқ намоён қилиши лозим.

ТЎҚҚИЗ ОЙДА 700 МИЛЛИОН САЙЁҲ

Жорий йилда халқаро миқёсда сайёҳлар сони 700

миллиондан, ушбу соҳадан тушадиган даромад 625 миллиард АҚШ долларидан ошади. Халқаро сайёҳлик ташкилоти (ХСТ) вакили Феликс Авилла Диас шунга маълум қилди. ХСТ таҳминига кўра, яна ўн йилдан кейин сайёҳликдан келадиган даромад 1,5 триллион долларга етиши мумкин.

Мексика хорижлик сайёҳларни қабул қилиш бўйича дунё давлатлари орасида олдинги ўринларда туради. Бу йил мазкур соҳадан давлат хазинасига 10 миллиард доллар тушиши кутилмоқда.

«Интернет»
хабарлари асосида
тайёрланди.

1 октябр - ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Қадрли устозлар! Сизга чин қалбимиздан сиҳат-саломатлик, бахт, ишларингизда муваффақият ва омад тилаймиз.

Хурмат билан "Ўздунробита" кўшма қорхонасининг жамоаси

UZDUNROBITA

DIYORIMIZ BO'YLAB BIZ BILAN cellular

Баъзан инсон вужу-да учрайдиган фақулдада гайритабиий куч ҳақида илоҳий гаплар юради. Инсон кўзининг кувавий тасвири, назарқаралиқ, ўта сезғирлик, башорат қилмоқ, фусункорлик ирода-ю матонат, катта истиснод ва бошқалар... Бу ноёб хислату фазилятлар Ватанга бахшида этилса, халқ бахтидир.

Каминани мафтун этган бир фусункор кўзининг сирли қудрати ушбу хикояни ёзишга даъват этди. Тошкент аэропортининг муқтадам залларидан бирида ҳарбий либос кийиб, зобит погонини тақдан ўзбек қизи учинга тайёр кишиларнинг ҳужжатларини расмийлаштириб, муҳр босиб берарди. Қизга ҳарбий либос шундай ярашган эдики... Тим қора сочлари қирқилган, хушбичим қомати ҳам киши эътиборини тортмай илҳожи йўқ.

У паспортга қарар, баъзан ҳужжат эгасига ҳам кўз ташлаб қўяр, йирик, чарос кўзлари муҳонларни, улғушор тасвирлагандай, «қў-ёй отаётган икки хинду боласи-га ўхшарди. Йўловчига бир қараганда кимингидир вақоҳати ўзгарса, яна бировнинг юраги шувиллар эди. Ортиқча сўз айтмас, иккинчи қарада турганлар орасидан ким бевозта бўлса, дарров сезарди. Техника — бу техника, лекин инсон заковатиға чегара йўқ, беки-тиқча иш тутайтганларнинг оёғи қалтирар, жоду кўзлар қаршидада охиж қоларди.

Навбатги етиб келган хорижлик йўловчи қизга ҳужжатларини берди-да, бу тўсиқдан тезроқ ўтиб, самолёт томон кетишига ошиқди. Унинг вужудидида бекотатлиқни, ўқтин-ўқтин ўзига қараб қўяётганини қиз сездию, ортиқча сўз қотмади. Аслида бундун диққати шу қилсада эди.

— Жаноб, марҳамат қилиб, анави кабинетга киринг, — деди қиз кутилмаганда инглиз тилида хорижлик муражаат этиб. — У кабинетга кирадиган ишим йўқ! — деди олазарак бўлиб йўловчи.

— Сизнинг ишингиз бўлса, бизнинг ишимиз бор, — деди қиз мулоийлик билан. Шу лаҳза унинг ёнида турган икки аэропорт ходими, «Марҳамат, юринг!» ишорасини қилиб, боғи кишини рўпарадада хонага олиб киришди.

Бир оздан сўнг хонага қиз ҳам кириб борди. Хо-

рижликдан чамадонини, елкасига осиб олган сумкасини очиниши сўрадилар. Чамадондан, латта-путталар орасидан қорғозга ўроғлик нарса топилди. Бу араб алифбосида битилган қадимий кўлэзма китоб эди. Елкасига осиб олган халтасидан ҳам иккинчи кўлэзма китоб чиқди.

— Мен бу китобларни бо-

ри, маҳалла — кўй, гузар ҳам биларди. Бундай неъматни Мир-жалли ақанинг кенжа қизига Оллоҳ берганлигини кўпчилик билади. Бу гайритабиий ҳодисами? Мўъжизами? Илоҳий қудратми? Хар ҳолда, эгри қадам ташлаган бирор одам унинг кўз олдилан ўтиб кетмасди. Тошкент аэропортида кўлаб барно қизларимиз ишлайди,

ўқигандирсиз, «кўларидин йўқ бўлак оғирлиғи!»

Йигит кўли, ўтишини ҳам, қайтишини ҳам билмади. Шаддод қиз рўпарасида ип эшолмай қолди.

— Сиз гиёҳқанд модда сочи-тиб, бойишни кўзлаган нобит инсон эмассиз, ака! Сизнинг исмингиз Жалолиддин, фамилиянгиз Менглибоев. Топдим-

хон йигитга боқиб.

Орадан бир ҳафта ўтди. Кечки пайт бунда пайдо бўлган йигит Муаттархон энига келди.

— Яна бир оз кўлинг, ишим тугайди. Эски шаҳар томонга кетасизми? — деди Муаттархон Жалолиддинга.

— Ҳа, ҳовлимиз сизларнинг ҳовлингиздан унча узок эмас. — Тоза бир-биримизни суриштириб, билган эканмиз-да...

— Э, бўлмасам-чи... Ёмгир ёққан, қор ёққан кунлари-чи? Кутилмаган иссиқ ёздан бошланган бу шайдолик мен бир бечорани Маҳнунга айлантириб қўйди...

Йигит зобит қизни қаттиқ яқши қўриб қолган эди. Бу ҳам ҳаётда бўладиган гап, бир қўришда севиб қолганлар озми?

Бир неча кун ичида Муаттархонларниқига совчилар борди, тўй тарадудиди қўрилди, катта ресторанда эмас, ховлида файли тўй бўлиб ўтди. Ортиқча исрофгарчиликлар бўлмади. Хар гал оддий қостом ва бўйнига галстук тақиб келадиган «Маҳнун» йигитнинг ўзи ҳарбий қисм зобити, унвоки майор экан. Узукка қўз қўйгандек янги оила қўрилди.

Кунлар ўтди. Одатдагидек, Тошкент аэропортида яна лейтенант Муаттархон Мир-жаллиевнинг иш кунлари бошланди. Тўйдан кейин яна ҳам очилиб кетганини дугоналари айтишди.

Аэропортда одамлар тир-банд. Муаттархон ҳарбий либосда мамлакат сарҳадида турибди. Ўткир кўзлар остидан қаллоблар ҳеч қачон ўтиб кетолмайдилар!

— Жаноб, марҳамат қилиб, анави хонага киришлар! — Шошиб турибман, ўтказиб юборинг! Илтимос қиламан!

— Самолёт кутиб туради, кўп ушламаймиз!

Баъзан қадимий кўлэзма китобли, ноёб металллар, археологик топилмалар, тансиқ экспонатлар... ушлаб қолганиди. Булар ўзбекистон мулки-ку! Баъзан у ёқдан келган целлофандаги бангивор моддалар, дуний ақидаларастларнинг расво «китобу» ивбогар варақалари ушлаб қолганиди. Сарҳада турган оғоҳ ва хушёр Муаттархоннинг жоду кўзлари олдига улар фоти бўлиб, муқаррар қўлга тушади. Муаттархоннинг умр йўлдоши майор Жалолиддин сза мамлакатимиз тоғли сарҳадида хушёр турибди. Гуё Ватаннинг икки сарҳади ягона юракли инсонларга топширилгандай.

ГАЗЕТА — МУШТАРИЙ УЧУН

Сўз — газетхонларга



«Обуна-2001»

Янги аср бошида «Жалқ сўзи» тахририятида газетхонлар фикрини ўрганиш билан шуғулланидиган бўлим очилиши бизни хурсанд қилди. Ахир газета ҳаётимиз кўзгиси бўлганидан кейин унинг муҳлисари қандай фикрда эканлигини ҳисобга олиш жуда-жуда зарур-да! Биз 2001 йилда «Жалқ сўзи» янада халқ ичига кириб боришини орзу қиламиз. Бир майизни қирққа бўлиб келган халқимиз. Шундай экан, газетга обуна бўлишга бир кишининг қурби етмаса, кўплашиб, жамоаларда обуна бўлайлик. Зеро, нурни, зиёни, маънавиятни пул билан ўлчаб бўлмайди.

Норпўлат ХИДИРОВ. Сурхондарё вилояти.

Назаримда, газета саҳифаларида шеър кам берилмаётгандай. Янги йилда «Шеър азиз олам аро», «Булук кўз очди» руқиларига эътибор берилишини истар эдим. Газетанинг байрамолди саҳифаларида газетда бирхиллик мавжуд.

Насиба ЮСУПОВА. Хоразм вилояти.


Халққа янада яқин бўлиш учун «Жалқ сўзи»нинг обуна ҳақосини бошқа газеталарга нисбатан анча арзонлаштириш зарур деб ўйлайман. Мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагида уни топиб ўқиш имкони яратилсин.

Зиёдулла ЖУМАЕВ. Самарқанд шаҳри, Хусайн Бойқаро кўчаси, 50-уй.

«ЖАЛҚ СЎЗИ»

«Янгийўл» санаторийсидаги бу галги учрашув ушбу масканда дам олувчилар учун одатдагидан бошқача бўлди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Олий Мажлис депутати Ўткир Ҳошимов ўзининг сўнги асарини «Дофтор хошиясидаги битиклар» китобидан парчалар ўқиб берганда тўплаганларда таниқли адибга саволлар қолмади ҳисоб. Чунки ёзувчининг қирқ йиллик ижодий фаолияти довомида тўплаган ушбу битикларида унинг фалсафий қарашларига эмас, балки оддий ўзбек ёзувчиси сифатидаги ҳаёти ҳам муҷассам эди.

Фармон ТОШЕВ.



КўЗЛАРИ ЖОДУ (Воқеий хикоя) МИРМУҲСИН. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Икки хинду баччадек ёй тортадур... МУҚИМИЙ.

зордан сотиб олдим! — деди овози қалтираб йўловчи.

— Буларни руҳсатсиз олиб чиқиб кетиш қонунда таъқиқланганини биласиз-ку!

Орадан ўн кун ўтди. Тошкентдаги Шарқ кўлэзмалари институти тузган комиссия экспертизасига кўра, китоблар ўн биринчи, ўн иккинчи миллоди асрларда битилиб, Маъмур ва Ал-Хоразмий даврига мансуб эканлиги аниқланди. Оллоҳқа минн бор шуқурлар бўлсинки, улар ўзбекистонда, Ўз Ватанида сақлаб қолди.

Мамлакатимиз сарҳадида хушёр турган бу жасур қиз қим? Унинг фидойи ишларидан ташқари ҳусни жамоли, оху кўзлари киши диққатини тортмай илҳожи йўқ. Ешлар бу соҳибжамолга бошқа назар билан, кексалар яна бошқача қарайдилар. Унинг кам учрайдиган сезғир кўзлари адибни ҳам уйллатиб қўйди. Болалиғида ҳам унинг кўзлари шундай ўткир экан. Бунинг хабарини эшитган кўз илмининг алломалари — профессорлар Комилов, Ахоровлар ҳам қиздаги Оллоҳ берган қобилиятни тан олиб, баъзан шундай мўъжизалар бўлишини, шундай инсонлар туғилишини маълум қилдилар. Бўғалок қўзидек йирик, тим қора — «қў-ёй ушлаб турган икки хинду баччадек...» қорачиларда фақулдада сирли қудрат борлигини наинки аэропортдагилар, кизимизнинг ота-анаси, қариндош-уруғла-

аммо бунақанги кўзлари хан-жар, айни пайтда оҳанрабо қиз битта! Келинг, қаҳрамонимизнинг ноини айта қолайлик. Лейтенант Муаттархон Мир-жаллиева.

Муаттар ўрта мактабни «аълонга тамомлаб, ҳарбий мактабга кирди: маҳаллада ҳеч қим қилмаган ишни қилди. «Шу қизимнинг ўғил қолдириб турилмаганига ҳайронман» дерди отаси. Лекин ўзбекона ла-тофату ифбат-ҳаёни жойига қўйди. Инглиз тилини қўриб ўргатадиган мактабни битириши ҳам жуда қўл келди. Парашотлардан сакраб, қуролларнинг барча турларини ўрганди, тенгқурлари билан каратга ҳам тушди. Шижоати, эҳеки кўпларни лол қолдириди.

Аэропорт залида пайдо бўлиб, узокдан Муаттархонга тикилиб турадиган жонон бир йигит қаҳрамонимизнинг қўли бўшаганида унга яқинлашиб, тахта устига ўзи паспортини қўйди:

— Яқши қиз, биз ҳам ўтиб кетайлик. Қўҳимда сирли омонатим бор. Ёки кабинетга киришим керакми?

— «Яқши қиз» эмас, мана бу ёзувга бир қараб қўйсинлар! — деди Муаттархон номи ёзилган лаҳвага ишора қилиб.

— Кечирасиз, лейтенант Мир-жаллиева! Бизда гайри-қонуний нарса йўқ, ўтасқ бўладими?

— Ҳа, ун қадок қўлингиздан бўлак оғирлигингиз йўқ, кўриб турибман... Мўқимийни

ми? — И-я, сиз буну қайқдан билдингиз?

— Кўҳим ичида сирли омонатим бор, дедингиз-ку ўзингиз. Покиза қалбларни биз дарров фаҳулаймиз.

— Бундоқ денг. Мени ҳам кабинетга чорлармикансиз деб ўйлаган эдим, Муаттархон.

— Сизнинг ўша қалбнингиз буюк халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди қалбига ўхшаса, бу — бахт... Кабинетга чорлардик.

— Чорланг, Муаттархон! Бир оғиз яқши галингизни уйда онамлар ҳам кутиб ўтирибдилар. Хонадонингизга совчи бўлиб бормоқчилар...

Бу гапдан сўнг Муаттархон жим қолди.

Ватан сарҳадида туриб, бонилик қилиш билан бирга бу дунёда яна кўп гаплар борлигини фаҳулади. Бўйин эгмас, маърур тоғ бурғути рўпарасида турган Жалолиддинга боқди. Бу йигит қунора аэропортга келарди. Баъзан Муаттархон хизматга келмаганида ҳам, кутиб ўтираверарди. Муаттархон шомолаб, уч-ўрт кун хизматга чиқмаган кунлари «маҳнун» бевозта бўлиб, суриштирибди.

— Хайрият, тузалибсиз. Эҳтиёт бўлиш керак, шаҳарда грипп бор-а.

— Врочлар ёрдам беришди. — Оллоҳ ўзи шифо бериб, бизларни асрайди, врачлар бир сабабчи.

— Тўғри, — деди Муаттар-

МУҲАММАДҚОДИР ФИНАЛДА

Эртга турфа шов-шув ва кутилмаган натижаларга бой бўлган XXVII Олимпиада ўйинлари ҳам ниҳоятга етди. Сиднейда медал билан қайтишга умид қилаётганимиз 6 нафар эркин курашчимиздан 5 нафари мусобақаларни тугатишга мажбур бўлди.

Биринчи босқичда Доған Харен (Туркия)ни 3:0 ҳисобида мағлуб этган Дамир Захардинов иккинчи учрашувда россиялик Мурод Рамазоновга имкониятни бой берди — 1:4. Руслан Хинчаговнинг ярим финалда чиқилиши туркиялик Баракат Эдин тўқтинлик қилди — 2:5.

Туркиялик яна бир полвон Озэн Алини 3:0 ҳисобида енгган Маҳарбек Хадарцев ҳам иккинчи беллашувдан сўнг спорт формасини



сумкага жойлашга мажбур бўлди. У жанубий корейлик Янг Хуён Мога ютқазиб (2:3) қўйди. Фақатгина 130 килограмм вази тоифасида гиламга чиқётган пахлавошимиз А.Таймазов бахсларни довом эттирарди. Артур кенчаги беллашувда голландиялик Гамбаз Золта ҳеч қандай имконият қолдирмади — 10:0. Ушбу ахборотни тайёрлаётган чоғимиз Сиднейдан яна бир хушхабар олдик.

Озод БЕК, «Жалқ сўзи» муҳбири.

ЖУМБОК

Кечаги сонда берилган жумбоқнинг жавоби: Богда ҳаммаси бўлиб 8 киши йиғилган: буви, унинг икки қизи, бир қизининг тўнғин фарзанди — ўғли ва бир қизи, иккинчи қизининг тўнғин фарзанди — ўғли ва икки қизи. Бу ҳақда Тошкентдан Иброҳим Мирзамуродов, Фарғонадан Сарвар Мелибоев биринчилар қатори хабар қилишди.

ЎЛГАННИНГ УСТИДАН ТЕЛГАН

Россия Федерацияси ИИВ уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси 1-бўлимнинг Красноярск ўлкаси бўйича бошлиғи Игорь Шлома «Независимая газета» муҳбири бу ердаги судмедэкспертиза бюросида ўтказилган молиявий текширишлар натижаларини маълум қилди. Бошқарма ходимлари текшириш давомида бюро бошлиғи, бош бухгалтер, икки нафар сотувчи ва ёғочни қайта ишлаш цехи бошлиғидан иборат жиноий

гуруҳи фоти этишди. Бултур март ойида судмедэкспертиза бюросида таъзия тадбирлариға хизмат кўрсатиш бўлими тузилган. Турли молиявий қинғирликлардан ташқари бюро ходимлари марҳумлар аъзоларини яширинча сотишган. Бошқарма ходимлари ўликхонада мингга яқин инсон аъзолари солинган 6 та банкани топишди. Йил давомида бу ердан 6 миңдан зиёд марҳумлар жасади ўтказилган бўлса, уларнинг 90 фоизидан ички органлар кесиб олинган.

ҲИКМАТ

Тикон бўлишининг ҳам ўз ўрни бордир, Бехуда мулоийм бўлган ҳам хордир.

МУҲТАРАМ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР! Кўпчиликнинг илтимосига кўра, «АСАКА» банки омонатларнинг янги «ИСТИҚЛОЛ» тури бўйича аҳолидан маблағларни қабул қилиш муддатини 2000 йилнинг 20 октябрга қадар узайтирди. Омонатни «Асака» банкнинг истаган бўлимида очишингиз мумкинлиги тўғрисида эслатиб ўтамиз. Омонат муддати - тўрт ой. Омонатнинг энг кичик ҳажми - 500000 сўм Унинг максимал миқдори чекланмаган. Омонат бўйича ҳар ойда 6% ёки йиллик 72% миқдориди даромад тўланади. Республиканинг ҳеч бир банкида ҳали бундай имконият яратилмаган! «Асака» банки - омонатларингиз сақланиши ва кўпайишининг гаровидир. Маълумот учун телефонлар: 120-83-91, 120-83-92. Манзилимиз: 700015, Тошкент ш., Нукус кўч., 67. Банк филиаллари - Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида.

Ўзбекистон Муеулмонлари идораси Уламолар кенгаши йирик уламо, исломшунос олим Шайх Юсуфшон ШОКИРОВнинг марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилди. Аллоҳ таоло ул эфтин ўз раҳматига олган бўлсин.

«ЖАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иجتимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Хукук — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соҳилқни сақлаш ва иجتимоий масалалар — 132-12-08; Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қорғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терияди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ. Навбатчи — Д. ТУҒҒУНОВА. Муасхих — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қорғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.20

1 2 3 4 5 6